Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2020 йил
26 июнь,
жума
№ 20 (793)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича **80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга,** жумладан **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг** (кейинги ўринларда — БМТ) **6 та асосий шартномаси** ва **4 та факультатив протоколига** қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни** тақдим этиб келмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги **халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш** бўйича амалий чоратадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида** белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар **Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари нормаларини бажариш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсияларини амалга оширишга қаратилган **миллий ҳаракат режалари ("йўл хариталари")нинг сўзсиз бажарилишини** таъминлаш;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган **чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали** БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини бажаришга **тўсқинлик қилаётган сабаб ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш** ҳамда **бартараф этиш;**

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш соҳасида **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни** амалга ошириш.

2. Халқаро ташкилотлар, жумладан, **БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини инобатга олган ҳолда,** шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича **долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш,** амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда **кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида** ишлаб чиқилган:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси (кейинги ўринларда — Миллий стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинги ўринларда — Марказ) Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"нинг амалга оширилиши юзасидан:

мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича **таклиф ва тавсияларни** тегишли вазирлик ва идораларга киритиб боради;

доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган **батафсил ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириб боради;**

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган **маълумот киритади;**

ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминлайди;

б) "Йўл харитаси"да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги **маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Марказга тақдим этади.** Бунда, вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари "Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгардир;

в) Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"нинг ижро ҳолати юзасидан **ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида** вазирлик ва идораларнинг ахбороти тингланади.

4. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Инсон ҳуқуқлари соҳасида **халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссиясини** тузиш;

вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"нинг ижро ҳолати юзасидан **ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш;**

б) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"нинг **ҳудудлар кесимида** ижро этилиши юзасидан **ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш** тавсия этилсин.

5. Марказнинг:

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишда кўрсатган хизматлари учун **ҳар йили Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида топшириладиган "Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун" кўкрак нишонини** таъсис этиш;

ҳар икки йилда юқори савияда ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатлар мутахассислари ва фахрий меҳмонлар иштирокида **Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини** ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда:**

"Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун" кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

(Давоми 2-бетда) ▶

Муносабат

Медиация ва арбитраж институти:

низоларни судгача бартараф этиш орқали ортиқча оворагарчиликнинг олдини олиш мезони

Маълумки, бугунги кунда дунёнинг тараққий этган давлатларида муаммо ва низоларни судгача ҳал этишнинг замонавий механизмларидан самарали фойдаланишга талаб кучайиб бормоқда. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки ўзаро келишув битими тузиш ёки низони ҳал этишнинг бошқа муқобил усулларидан фойдаланиш суд орқали низолашишдан кўра қулай ҳамда кўп харажат талаб қилмайди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар инсон манфаатига қаратилган

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

Шу мақсадда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, "Хабеас корпус" институтини қўллашни кенгайтиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Йўлларда хавфсизликни таъминлаш

бу борада ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш талаб этилади

Чунки йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ жиддий камчиликлар бор. Шунинг оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари кўпайди, бунинг оқибатида ўтган йили 376 нафар фуқаро, шунингдек, 193 нафар бола бевақт вафот этди.

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида Вазирлар Маҳкамасига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан парламент сўрови юборилди.

Сабаби, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида тизимда жиддий камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Сенатда қайд этилганидек, 2020 йилнинг биринчи чорагида 1 минг 229 йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 376 нафар фуқаро қурбон бўлган. 2019 йилнинг мос даврига нисбатан бу кўрсаткич 4,7 фоизга ортган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Сабоқ

Ҳақиқатга зид хабар

депутатга қимматга тушди

Мана, уч ойдан ўтдики, мамлакатимизда COVID-19 дея аталмиш коронавирус касаллигининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Юртдошларимизнинг жорий қилинган карантин талабларига оғишмай риоя қилишни таъминлаш ҳам шундай тадбирлар сирасига киради.

Айтиш керакки, жорий йил 26 мартда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун ҳам бу борада янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Сўз эркинлиги ва масъулияти

Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, фикр ва ғояларни очиқ ифодалаш ҳуқуқи — буларсиз демократик давлат тараққиёти ва ривожланишини ҳам, чинакам кучли фуқаролик жамияти шаклланишини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Кўп бора эътироф этилганидек, "ривожланишни хоҳлаган жамият сўз эркинлигини ҳурмат қилиши керак". Бусиз ҳеч бир давлат ҳам, жамият ҳам тараққий эта олмайди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, давлат жуда катта тузилма ва, табиийки, уни назорат қилиш мураккаб жараён. Айни шу жиҳатдан, сўз ва матбуот эркинлиги давлатга ҳам, жамиятга ҳам муҳим.Айтайлик, бир раҳбарга хоҳлаганча танбеҳ бериш мумкин, лекин уни доим назорат қилиш осон эмас. Агар жамиятда матбуот эркин бўлса, табиийки, ҳар қандай раҳбар ишини билиб қилади. Чунки уни назорат қилувчи жамият ва унинг илғор кучи — ОАВ бор. Жамиятдаги нуқсон ва муаммоларни ҳам, биринчи навбатда, матбуотнинг сергак кўзи кўради ва унга жамоатчилик эътиборини жалб этади.

Шу ўринда "Сўз эркинлигини ким яратади: давлатми ёки жамиятми?", — деган савол ҳам туғилади. Аслида, уни биргаликда яратадилар. Чунки сўз ва матбуот эркинлиги ҳақида қабул қилинган қонун ёки қарорнинг ўзи етарли эмас. Бу билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун жамият ҳам сўз ва матбуот эркин бўлиши лозимлигини ҳис қилиб, сўз эркинлигига эҳтиёж сезиши керак.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон ва БМТ: ҳамкорликнинг янги босқичи

Инновацион ривожланиш вазирлигида Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси муҳокама марказида бўлди.

Тадбир Олий Мажлис Сенати, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон БМТнинг тўлақонли аъзоси, шунингдек, 2015 йил сентябрда БМТга аъзо барча 193 та давлат томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор тараққиёт соҳасидаги кун тартибини имзолаган томон сифатида хавфсиз ва соғлом сайёрада барча одамлар учун тенглик, тараққиёт, қадр-қиммат ва адолат ҳукм сурадиган тинчликка интилиш бўйича глобал мажбуриятни ўз зиммасига олади.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган "Йўл харитаси"нинг мақсади ҳақида гапирди. Шу билан бирга, БМТ ва унинг тизимидаги муассасалар билан миллий, минтақавий ва глобал миқёсдаги шериклик алоқаларини янада фаоллаштириш ва кенгайтириш борасидаги режаларга тўхталди.

— Шу йилда ташкилотнинг 75 йиллиги нишонланмоқда. Ўтган йиллар давомида инсоният қандай ютуқларга эришган бўлса, бунда ташкилотнинг ўрни муҳим. Шу жиҳатдан БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш жуда долзарб. Ҳамкорликни янги даражага кўтариш бўйича Ҳаракатлар режаси (йўл харитаси) ишлаб чиқилди. "Йўл харитаси" 17 йўналишни ўз ичига олади. Бу, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсий ташаббуслари, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган таклифларини ўз ичига олади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, эндиликда Ҳаракатлар режасига мувофиқ, БМТ институтларида фаолият юритиш учун Ўзбекистон ҳам ўз номзодларини киритиш имкониятига эга бўлади. Илгари нима учун жаҳон миқёсидаги халқаро нуфузли ташкилотларда бизнинг кадрлар ишламайди, деган фикр ўйлантирарди.

Ҳаракатлар режаси барча, айниқса, жамиятнинг энг заиф ва эҳтиёжманд қатлами учун инсон салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида миллий, минтақавий ва глобал даражаларда БМТ тизими билан ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган.

2020 йилда БМТга асос солинганлигига 75 йил тўлади. Мазкур юбилей йилида кўп томонлама ёндашувга содиқлик белгиси сифатида Ўзбекистон ҳукумати ушбу Ҳаракатлар режасини қабул қилади.

— Ушбу Ҳаракатлар режаси Ўзбекистоннинг кўп томонлама муносабатларга содиқлигининг муҳим намойишидир, шу билан бирга, глобал ҳамжиҳатлик ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб қилинади. Ушбу Ҳаракатлар режаси Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишга ёрдам беради, деб ўйлайман. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатнинг БМТ Низоми куни арафасида қабул қилиниши рамзий маънога эга. Бундан 75 йил олдин, 26 июнь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми имзоланган эди, унга биноан, дунёнинг барча мамлакатларига тинчлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари учун биргаликда саъй-ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти юкланди, — дейди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер.

Ҳаракатлар режаси ҳукумат зиммасига барча инсонлар, айниқса, энг заиф ва эҳтиёжманд кишилар салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, тинч, тараққий этадиган, барқарор ва мустаҳкам дунё яратиш мақсадида миллий, минтақавий ҳамда глобал даражаларда БМТ тизими билан ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш мажбуриятини юклайди.

Сессияда БМТ ва Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлиги натижалари, Ўзбекистонда турли соҳаларда ислоҳотларни амалга оширишда БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари имконияти масалалари ҳам диққат марказида бўлди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини **2020 йилда** Самарқанд шаҳрида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

7. Марказ:

бир ой муддатда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми концепцияси ва уни ўтказиш регламентини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда давлат олий таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган муассасалар (университет, институт, марказ, факультет, курслар), шунингдек, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида **"Инсон ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари"** ва **"Бола ҳуқуқлари"** бўйича **ўқув курслари (дарсликлари)ни** жорий этиш бўйича таклифларни киритсин.

8. Белгиланснки, Марказ ходимларининг лавозим маошига фан номзоди ёки фалсафа доктори **(PhD)** илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг **30 фоизигача,** фан доктори **(Doctor of Science)** илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг **60 фоизигача** қўшимча ҳақ тўланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида белгиланган тартибда молиявий маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Халқаро пресс-клуб ва Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мазмунмоҳияти **оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида** тушунтирилишини;

Миллий стратегиянинг амалга оширилиши тўғрисидаги **холис ва тўлиқ маълумотларнинг кенг жамоатчиликка тезкор етказилишини** таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ-4056-сон қарори билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги низомга 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

12. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 22 июнь

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар инсон манфаатига қаратилган

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапирар экан, суд тизимининг бошқа органлардан холи бўлиши зарурлигига урғу берди.

Бугунги кунга қадар амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки натижаларига маҳлиё бўлиб қолмасдан, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтириш, бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам, бундай муҳим ўзгаришлар, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, айниқса, суд биронбир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик, судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган чоралар соҳа ходимларининг ўзига бўлган ишончни оширди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам, судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлиши алоҳида таъкидланди.

Муҳими, бу фикрлар амалда ўз ифодасини топаётгани. Мамлакатимизда ўтган уч йил мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини ошириш борасида бир қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада турли тазйиқлар остида олинган кўрсатмалардан далил сифатида фойдаланишга чек қўйилди. Суд ишларини кўриб чиқишда фақат суд тергови жараёнида атрофлича текширилган ва ўз тасдиғини топган далилларга асосланилмоқда.

Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда қонун устуворлигини ва ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Дурдона ДАДАХАНОВА,
жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг судьяси

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Сўз эркинлиги ва масъулияти

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Аждодларимизнинг буюк китоби "Авесто"даги бош ғоя **"Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал"** бўлгани ва у ҳақиқат, адолат қарор топгандагина муштарак бўлиши, шундагина эзгулик ёвузлик устидан устун бўлиши ҳақидаги фалсафий маънони англатиши ҳам шунга ишора.

Бугунги кунга келсак, мамлакатимизда сўз эркинлиги тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ахборот соҳасини демократлаштириш, ошкоралик, сўз эркинлиги ва ахборот олишни таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини ошириш, уларни ҳақиқий "тўртинчи ҳокимият"га айлантириш борасида кенг қамровли ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига кўра, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга таалуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Бундан ташқари Конституциямизнинг 67-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди," деб ёзиб қўйилган. Асосий қонунимиздан келиб чиққан ҳолда соҳага оид ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинган, яна бир қатор янги қонунлар ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда. Бу ҳақда сўз бораркан,Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот сиёсати концепцияси ишлаб чиқилгани, унга мувофиқ, соҳани янада тараққий эттириш учун кенг кўламли мақсад-вазифалар белгиланганини ҳам қайд этиш лозим.

Умуман, кейинги йилларда мамлакатимизда ахборот соҳасини янада ривожлантириш, журналистлар фаолиятини ҳимоя қилиш, журналист кадрларни тайёрлаш, оммавий ахборот воситалари бозорини ривожлантириш ва унда рақобат муҳитини шакллантиришга замин яратадиган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондининг ташкил этилиши, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилингани, собиқ Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилгани, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети фаолият бошлагани, Ўзбекистон медиа олами тарихида илк бор Халқаро Пресс-клуб иши йўлга қўйилгани, "Ўзбекистон — 24", "Ўзбекистон тарихи" ҳамда бошқа бир қатор давлат ва нодавлат телерадиоканаллари, "Янги Ўзбекистон" газетаси ташкил этилгани ва бошқа кўплаб янгиликларни тилга олиш мумкин. Улар миллий медиа муҳитда ўз ўрнини эгаллаб, журналистика соҳаси ривожига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Бу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин мисолларидан яна бири — блогерлар фаолияти учун қулай шароитлар яратилди ва улар бугунги кунда Ўзбекистон медиа муҳитида ўз ўрнини эгаллади.

Бу имкониятлар фонида бугун оммавий ахборот воситалари фаолиятини кузатсак, сезиларли равишда илгари силжиш юз берганига гувоҳ бўламиз. Аввалги қуруқ мақтовдан иборат материаллар ўрнини танқидий-таҳлилий материаллар эгаллади, очиқ-ошкоралик принципи яққол кўзга ташлана бошлади. ОАВ ўртасида ўзаро соғлом рақобат кучайди. Бундай тенденция ислоҳотларимиз самараларини оширишга, жамоатчилик назоратини, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади.

Зеро, бугун амалга оширилаётган очиқлик сиёсати давлат идораларидан халқ билан яқин мулоқот ўрнатиш, фуқароларнинг мурожаатлари, муаммолари ва таклифларига ўз вақтида жавоб беришни талаб қилади. Ушбу мулоқотни олиб боришда бу тузилмаларда ташкил этилган ахборот хизматлари ва оммавий ахборот воситаларининг муносиб ўрни бор.

Айтиш мумкинки, қисқа вақт ичида мустақил ОАВ, журналист ва блогерлар жамоатчилик назоратининг ҳақиқий илғор етакчиларига айланишди, улар халқимизга ахборот етказишда барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига катта ёрдам кўрсатмоқда, шунингдек, фуқаролар ҳаётидаги муаммоларни аниқлашда, жойларда давлат органлари фаолиятидаги камчиликларга жамоатчилик эътиборини жалб қилиш ва уларни халқимиз манфаатларига мос равишда тезда бартараф этишда кўмак бермоқда. Энг долзарб масалаларни ёритишда ўткир қалам, танқидий нуқтаи назар, холислик, бурчга садоқат, профессионализм яққол намоён бўлмоқда.

Буларнинг барчаси дунё ҳамжамияти, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти, "Чегара билмас мухбирлар" каби нуфузли халқаро ташкилотлар эътирофига сазовор бўлмоқда ва уларнинг тадқиқотларида ўз тасдиғини топмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг жаҳон матбуот эркинлиги индексидаги мавқеи тобора яхшиланиб бораётгани ҳам бунинг мисолидир.

Ҳозирда мамлакатимизда 1 минг 700 дан ортиқ ОАВ рўйхатга олинган бўлса, уларнинг катта қисми фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган нодавлат ОАВ экани эътиборга молик.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, пандемия шароитида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашда ОАВ ходимлари ва журналистлар ҳам ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб, шифокорлар каби олдинги сафда бормоқдалар. Улар бир зум бўлса-да, ахборот майдонидан четланмадилар. шифохоналар ва бошқа муҳим объект ҳамда иншоотлардан долзарб мавзуларда материаллар тайёрлаб, халқимизни юртимиз ва жаҳонда юз бераётган воқеа-ходисалардан хабардор қилиб келмоқдалар. Бу синовли кунларда ўз ижод маҳсуллари билан юртдошларимизга мадад бермоқдалар.

Албатта, ҳали муаммоларимиз кўп ва шунинг учун ҳам яқин йиллар ичида яна кўп ишларни амалга оширишимиз лозим бўлади. Бугунги кунда ахборот соҳасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, мавжуд қонунчиликни ҳурмат қилиш, ошкоралик ва очиқлик муҳитини ҳамда бир неча йил аввал бошланган ислоҳотлар сурьатини сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Шу маънода яна бир асосий жиҳатга эътибор қаратиш лозим, яъни сўз масъулияти. Яратилган сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги олдидаги бурчимиз.

Албатта, мамлакат ва хорижда бўлаётган бирор янгилик, ислоҳот ёки ўзгариш юзасидан ҳар ким ўз мустақил фикрини ифодалаши мумкин. Аммо бугун айниқса, ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган масалаларнинг моҳиятини тўлиқ англамасдан, шунчаки ўзини кўрсатиш учун, яъни сўзга нисбатан масъулиятсизлик билан муносабат билдириш ҳолати ҳам учраб туриши кишини ўйга толдиради. Чунки ушбу чиқишларнинг аксариятида жўяли фикр ёки холис муносабатдан кўра бирор шахс шаъни ва нафсониятини топташ, ҳақоратлаш каби салбий жиҳатлар ҳам сезилиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, **ахборот майдонидаги турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва холислик тамойилларига асосланиши, қонун ва одоб қоидалари доирасида бўлиши, шахсий ғараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб кетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.**

Журналист қаламидан тўкилган ҳар бир сўзи учун масъулдир. Бу масъулият унинг фаолияти мезони бўлиши керак. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, жамиятда сўз эркинлиги чегараларини журналистнинг ўзи, унинг ахлоқ-одоби белгилайди. Чегаралар этика қоидалари ва қонунлар билан белгиланиши мумкин. Кимки сўз эркинлиги мавжуд фаровон жамиятда ҳам ҳаддидан ошса, уятга қолади, оғир ҳолатларда эса, қонун олдида жавоб беради.

Ўтган йили қабул қилинган Ўзбекистон Журналистлари этика кодексида мамлакатимиз журналистларининг ахлоқ-одоби, бурч ва масъулиятлари билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топган. Унда журналист ўзининг сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш йўлидаги фаолияти жамият олдидаги бурчи экани ва унинг материаллари жамият манфаатларига хизмат қилиши кераклигини тўлиқ англаши қайд этилган. Кодекснинг ўнинчи бобига мувофиқ журналист касб этикаси талаблари ва меъёрлари бузилиш ҳолатларини кузатиш, таҳлил қилиш ва тегишли хулоса чиқариш мақсадида, ОАВ бўйича жамоатчилик кенгаши тузилган бўлиб, у миллий ва хорижий (кези келганда) оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материалларни журналистнинг касб этикаси меъёрлари нуқтаи назаридан ўрганади, таҳлил қилади, баҳолайди, хулоса чиқаради, журналистлик фаолияти билан боғлиқ баҳсли ҳолатларга ойдинлик киритилишида ёрдамлашади, кодекс меъёрларига риоя этилмаслик ҳолатлари юзасидан тақдим этилган мурожаатларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади.

Хулоса қилиб айтганда, сўз ва матбуот эркинлиги — демократик жамиятнинг асосий устунларидан биридир. Бу устунларнинг нечоғлик бақувват бўлиши ўзимиз ва масъулиятимизга ҳам бевосита боғлиқдир.

Саъдулла ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Тамойил

Адолат

Ҳаётда адолатдан устувор ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлмайди. Ҳолбуки, адолат барқарор бўлган жойда бирдамлик, жипслик, аҳиллик, баҳамжиҳатлик, бурч ва мажбуриятлар, қадриятлар, давлат ва жамият тамойилларига нисбатан садоқат ҳамда фидойилик нафаси кезади. Адолатнинг барқарорлиги учун фидойилик кўрсатганлар эса, эл ардоғи ва эъзозида яшайди. Адолат, одиллик, холислик аталмиш тотли неъматдан баҳраманд бўлганларнинг қалби, чеҳрасига разм солганмисиз?! Бу неъматни татиганлар дунёнинг энг бахтли, бахтиёр кишиларидир ва уларнинг бари уни тортиқ этувчиларга нисбатан ҳурмат, эҳтиром, ишонч ҳисси билан яшайди.

Кейинги йилларда судлар адолат, одиллик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, кечиримлилик ҳолатлари энг кўп ва мудом намоён бўлаётган мўътабар даргоҳга айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Тизим фаолиятидан ҳикоя қилувчи қуйидаги иккита ҳаётий мисол ҳам буни яққол исботлайди.

...Урганчлик Олимбой Отажоновнинг оиласи қўл учида кун кўради. Оила бошлиғи, 37 ёшли Олимбой анча йиллардан буён уйига боғланиб қолган. Муқим иш жойи йўқ. Мўмай пул ишлаш учун бошқалар каби узоққа кетолмайди. Ризқу насибани шу ердан излайди. Боиси, 4 нафар фарзанди, жумладан, 2018 йил туғилган эгизак қизлари ҳамда касалманд аёлининг парвариши унинг гарданида. Рўзғорнинг кундалик харажат ва эҳтиёжларини бир нави қоплаш мақсадида, кўпинча ёлланма ишчи сифатида ишлайди. Она сути камлиги боис эгизак қизларини суньий тўйинтирилган сут билан боқади ва ҳар куни эрталаб, ишга бормаёқ, сут харид қилиш учун дўконга йўл олади.

О.Отажонов бу воқеа содир бўлган 2020 йилнинг 7 апрел куни ҳам велосипедни ҳайдаганча дўконга борди. Одатига кўра, дўкондан сут, бозордан эса, у-бу егулик харид қилиб, уйга қайтаётиб, кутилмаганда нотаниш кишилар тўхтатишди. Ўзларини санитария-эпидемиология назорати маркази ва йўл-ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, дея танитиб, бутун элга ёйилган офат — "тождор макруҳ" хуружи шароитида авто ёки оддий техник уловлардан фойдаланиш ман этилганини тушунтиришди. Пировардида, мазкур ҳолат юзасидан далолатнома тузиб, чора кўриш учун Урганч шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказига юборишди. Мазкур маҳкама ушбу қоидабузарлик юзасидан О.Отажоновни 4 миллион 460 минг сўм миқдорида жаримага тортиш бўйича қарор чиқарди ва уни судга тақдим этди. Орадан яна бир неча кун ўтгач, О.Отажоновнинг номига дастлабки босқич маъмурий судидан чақирув қоғози келди. У қисқа кечган суд якунида ўзини-ўзи яккалаш жараёни қоидалари ва шу юзадан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 54-моддаси 2-қисми талабларини бузганликда айбланди. Бироқ назорат маҳкамаси қарори қонун талабига мослаштирилди. Айбланувчи мамлакатимизда жорий этилган энг кам иш ҳақининг 8 баравари, яъни 1 миллион 784 минг сўм миқдоридзги жаримага тортилди. Афсуски, судланувчининг оиласи бу жаримани ҳам тўлашга қурби етмайди. Сабаби ўзингизга аён.

Бу ҳолатларнинг бари судланувчини юқори суд инстанциясига мурожаат қилишга ундади. Хоразм вилоят маъмурий судининг апелляция ҳайъати унинг мурожаатини синчиклаб ўрганиб чиқди. О.Отажонов аввалги суд жараёнида бўлганидек, бу гал ҳам айбидан тонмади. Қилмишига астойдил пушаймонлик билдирди. Аммо тайинланган жарима оқибатида шундоғам камбағаллик домида кун кўраётган болажон оиласи яна талай мушкулотларга рўпара келишини баён қилди.

Суд камхарж хонадон ва унда камолга етаётган фарзандлар тақдири ҳамда оиланинг яккаю-ягона боқувчиси ҳисобланган О.Отажоновнинг топгани рўзғор эҳтиёжларини базўр қоплаётгани ҳамда белгиланган миқдордаги жаримани тўлашга қурби етмаслигини эътиборда тутди. Шу билан бирга назорат маҳкамаси тарафидан судга ҳавола этилган ҳужжатларда О.Отажонов томонидан ҳуқуқбузарлик содир қилинганлигини тасдиқловчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини ҳам эътироф этди. Бундай вазиятда фуқарони маъмурий жиҳатдан айблаб бўлмайди. Шу муносабат билан аппеляция ҳайъати ушбу масала юзасидан дастлабки босқич суди томонидан муқаддам чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда ишни ҳаракатдан тугатишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади.

Бир сўз билан айтганда, суднинг бу қарори бутун юрт бўйлаб кезаётган хайру-савоб амалларнинг яна бир намунаси бўлди.

Муносабат

Медиация ва арбитраж институти:

низоларни судгача бартараф этиш орқали ортиқча оворагарчиликнинг олдини олиш мезони

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимизда ҳам айнан шундай жараён кузатилмоқда ва бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар ҳам яратилган. Масалан, амалдаги "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги ҳамда "Медиация тўғрисида"ги қонунлар низоларни судгача ҳал этиш мақсадига қаратилган.

Лекин ушбу қонун нормаларини амалга жорий этиш юзасидан айрим муаммолар бартараф этилмагани, ҳакамлик судлари институти ҳамда медиаторлик институти ривожланмагани сабабли низолашаётган тарафлар бу имкониятлардан жуда кам фойланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 17 июндаги **"Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори шу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Қарорда низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш, уларнинг фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган институтларга айланишини таъминловчи нормалар жорий этилиши кўзда тутилган.

Мазкур ҳужжат билан эксперимент тариқасида 2020 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича аппелляция кенгашлари ташкил этилиши белгиланди.

Бу янги институт бўлиб, агар давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, фуқаролар ва юридик шахслар Апелляция кенгашларига мурожаат қилиши мумкин бўлади. Албатта, бу фуқаролар ва юридик шахсларни тўғридан-тўғри судга ёки бошқа ваколатли давлат органларига мурожааат қилиш ҳуқуқини чеклайди, дегани эмас. Фуқаронинг одил судловга бўлган ҳуқуқи ҳар доим ҳам таъминланади.

Апелляция кенгаши ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки юридик шахснинг ҳуқуқларини тиклашда самарали ва тезкор институт бўлиб, юзага келган низоларни судгача кўриб чиқиб, уларни бартараф этиш чораларини кўради.

Бу институт ўзини оқлаб, самарали ишлаган тақдирда, бошқа давлат органларида ҳам жорий этилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, қарор билан низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шуғулланувчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Медиация марказлари ҳамда профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган низоларни муқобил усулда ҳал этиш Марказлари нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишига ҳуқуқий асос яратилди.

Бу марказлар медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж томонидан низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

Марказларга медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш, етакчи хорижий медиация ва арбитраж марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу соҳада тажриба алмашиш ҳамда зарур ҳолларда хорижий медиаторлар ва арбитрларни ҳам жалб этиш ваколатлари берилгани медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва оммалашувига хизмат қилади.

Бундан ташқари олий таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибалар асосида медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж соҳалари учун низоларни ҳал этишнинг муқобил йўналишларига оид магистратура мутахассисликлари ташкил этилиши ҳамда профессионал медиторлик касб сифатида хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритилиши бу касбнинг нуфузи ошишига хизмат қилади.

Профессионал медиаторлик, халқаро тижорат арбитражи институтининг самарали ишлаши таъминланса, жуда кўп низолар судгача бартараф этилиб, ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вақти ва маблағи тежалади, чет эл инвесторларининг Ўзбекистонга ишончи ортади

Хулоса қилиб айтганда, қарорда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги ҳамда "Медиация тўғрисида"ги қонун нормаларини амалиётда янада кенгроқ қўллаш жараёнини тезлаштиради.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Сабоқ

Ҳақиқатга зид хабар

депутатга қимматга тушди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу қонуннинг 1-моддасига биноан, амалдаги Жиноят кодекси янги 244[5]-модда (Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш) билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравагача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравагача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Буни қарангки, айни қонун қабул қилинганининг эртаси куниёқ халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгаши депутати, шаҳардаги "Imona group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нодир Ҳамидов юқоридаги моддада назарда тутилган қилмишни содир этди. Аниқланишича, 2020 йил 17 март куни Туркия давлатидан хизмат сафаридан қайтган Н.Ҳамидов яшаш манзилида уй карантинида бўлади. Орадан 10 кун ўтгач, 2020 йил 27 март куни кўчада шахсий юмушлари билан юрган пайтда бир таниши шаҳардаги хусусий клиникалардан бирининг раҳбари Ҳафиза Ниёзова (жабрланувчининг исм-шарифлари ўзгартирилган)нинг коронавирус инфекциясини юқтириб олганини айтади. Буни эшитган Нодиржон эса, сўраб-суриштирмай, соат 17:42 да телеграм ижтимоий тармоғидаги "Иймонли дўстлар" ва "Депутатлар кенгаши" гуруҳлари аъзоларига овозли хабар орқали мурожаат қилади:

"Бугун шаҳримизда иккита касаллик аниқланди, — дейди у ҳар иккала гуруҳ аъзоларига салом бериб, ҳолаҳвол сўрагач. — Бири УЗИ-(УТТ) шифокори Ҳафизахон опа, иккинчиси Туркияда савдо-сотиқ билан шуғулланадиган аёл".

Нодиржон шундай деб икки аёлнинг ён-атрофидаги 30 нафардан яқинлари ва мулоқот қилган инсонлар карантинга олингани, шу боис имкон борича кўчага чиқмаслик ва оила аъзоларини эҳтиёт қилишни, айниқса, ёши улуғ отахону онахонларни эъзозлаш, ижтимоий масофани сақлашни уқтириб, Яратган бу кўзга кўринмас балодан асрашини айтиб, тилак билдиради.

Шундан сўнг унинг овозли хабари яна бошқа тармоқ фойдаланувчилари ўртасида тарқалади. Айниқса, Ҳ.Ниёзова тажрибали ва таниқли шифокор бўлгани боис, бу хабар янада кенгроқ қулоч ёзади. Ҳафиза опанинг ўзи эса, бундан эртаси куни хабар топади. Яъни ҳамкасбларидан бири ўша аудиоёзувни унинг уяли телефонига жўнатади.

Шундан сўнг Ҳафиза Ниёзованинг жиддий равишда тоби қочади. Бунинг устига телеграмдаги хабарни эшитган таниш-билишларининг қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраши, шубҳа-гумон аралаш саволлари унинг баттар хунобини оширади. Шифокор аёл қарасаки, ваҳимали хабар ҳали-бери тинадиган эмас. Бинобарин, у дарҳол Давлат хавфсизлик хизматининг Қўқон шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, айбдорни аниқлашни ва унга қонуний чора кўришни сўрайди.

Қўқон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг 2020 йил 29 мартдаги 37-сонли маълумотномасига мувофиқ Ҳафиза Ниёзовада COVID-19 (коронавирус касаллиги) аниқланмаган. Қўқон шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг шу кунги 01-10/417-сонли маълумотномаси эса, шаҳар ҳудудида COVID-19 билан руйхатга олинган шахслар мавжуд эмаслигини тасдиқлайди. Шунга асосан, ДХХ шаҳар бўлими тезкор ходимлари томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилиб, Нодир Ҳамидовнинг қилмиши фош этилади. Оқибатда унга нисбатан Жиноят кодексининг янги 244[5]-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилади.

Албатта, тергов ҳаракатлари мобайнида Нодиржон Ҳафиза опадан кечирим сўраб, қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини билдирди. Шунинг учун Ҳ.Ниёзова унга нисбатан моддий ва маънавий зарар юзасидан даъвоси йўқ эканини қайд этди. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди Н.Ҳамидовни юқоридаги модда билан айбдор деб топиб, унга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари — 44.600.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинлади. Қолаверса, айбдорнинг "MI-9" русумли уяли телефони хотирасидаги маълумотлар йўқ қилиниб, давлат фойдасига мусодара этилди. Бундан ташқари тилга олинган жиноятнинг юзага келиш омилларини бартараф қилиш ҳамда бу борада ички ишлар органлари билан ҳамкорликни кучайтиришни таъминлаш мақсадида, хусусий ажрим чиқарилиб, судланувчи яшайдиган "52-Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинига юборилди.

Нимаям дердик. Ҳаётда кўпчиликка яхшилик улашаман деб, масаланинг иккинчи томонини, яъни ўзганинг ҳамиятига, шахсиятига тегмасликни ўйламаслик ҳолатлари ҳам баъзан учраб қолади. Қонун эса, ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмайди. Шундай экан, ҳар ким ўз ҳуқуқий маданиятини мунтазам шакллантириб ва янги қонунчилик билан яқиндан танишиб бориши — ўзига ҳам, жамиятга ҳам фақат наф келтиришини эсдан чиқармаслик лозим.

Элёрбек ҲАКИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси

Йўлларда хавфсизликни таъминлаш

бу борада ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш талаб этилади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

2019 йилдаги қоидабузарликларнинг бор-йўғи 1,2 миллиони компьютерлаштирилган бошқарув тизими орқали аниқланган. Вақоланки, йўлларда хавфсизликни таъминлашнинг энг мақбул ва самарали усулларидан бири фото ва видеотехник воситаларни кўпайтиришдир.

Таҳлилларга кўра, қоидабузарликларни автоматик аниқлайдиган техник мосламалар, шунингдек, онлайн режимида ишловчи фоторадарлар ўрнатиш билан боғлиқ ишлар жуда суст олиб борилмоқда.

Светофор билан тартибга солиш, йўлдаги тўсиқлар, йўл устига чизиқлар тортиш ва йўл белгиларини қўллашга доир ҳозирда фойдаланилаётган стандартлар ўтган асрнинг 70-80 йилларида ишлаб чиқилган. Қолаверса, автомобиль йўлларида 150 мингга яқин йўл белгилари етишмайди ва мавжуд белгиларнинг 70 мингдан ортиғи яроқсиз ҳолга келган.



Ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Айнан шу каби камчиликлар оқибатида 2019 йилда болалар билан боғлиқ 1 минг 309 йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 1 минг 147 нафар бола жароҳатланган ва 193 нафар бола ҳалок бўлган.

Йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш зарурати ҳам пайдо бўлди. Чунки унинг ўзбек ва рус тилларидаги матнларида катта тафовутлар мавжуд. Тегишли тест саволлари эса, маънавий ва техник жиҳатдан эскирган. Бу каби ҳолатлар йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Парламент сўровида ушбу камчиликлар, шунингдек, мамлакатимизда ҳайдовчиларни тайёрлаш ва улардан имтиҳон олиш тартибини қайта кўриб чиқиш, йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномаси дубликатини олишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ушбу жараённи енгиллаштириш каби чора-тадбирларнинг кўрилиши юзасидан ёзма шаклда асослантирилган тушунтириш бериш талаби қўйилган.

Муаттар РЎЗИБОЕВА

Жиноятга жазо муқаррар

Топталган ғурур

сархуш оила бошлиғини қабиҳликка ундади

Ёдгора Насибуллаева (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2019 йил декабрь ойининг бошларида ўзи кўнгил қўйган йигитга унаштирилгач, бу ҳаётда ундан бахтиёр одам йўқ эди. Ўша оқшом Ёдгора тўйдан сўнг қайнона-қайнотасининг дуосини олишни, ширинидан-шакар фарзандлар кўриб, бахтли оила бекаси бўлишни дилига тукканча мижжа қоқмай чиқди. Аммо...

Аммо тўю тантана ҳам, келинлик бахти ҳам Ё.Насибуллаевага насиб этмади.

Албатта, фарзандини унаштиргач, ота-она тўй ташвишида тиним билмай қолади. Шу маънода айтганда, 2019 йил 15 декабрь куни Ўғилой Абдураззоқова ҳам қизи Ёдгора билан бирга Андижон шаҳрига, халқ тилида "Жаҳон бозори" дея аталувчи савдо мажмуасига йўл олишди.

(Давоми 4-бетда) ▶

мезонлари

Қонунга асосланган ижтимоий адолат ва инсонийликнинг бошқа бир намунаси Гурлан туманида истиқомат қилувчи Гулиммат Вафоевнинг турар жой участкаси саҳнига аниқлик киритиш бўйича аппеляция тартибида қилган мурожаатини кўриб чиқиш асносида ҳам намоён бўлди. Мазкур ҳолатда ушбу туман маъмурий суди томонидан йўл қўйилган процессуал хато барҳам топди. Исм-шарифи зикр этилган фуқаронинг ота мулк ер участкасига бўлган ҳуқуқи тикланди. Аппеляция судида аниқланишича, туманнинг Эшимжирон қишлоғи Мойли маҳалласида яшовчи Г.Вафоев муқаддам туман судига мурожаат қилиб, отасидан қолган ер-мулкка эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраган. Бу ер майдонини кўп йиллардан буён тасарруф қилиб келаётгани, белгиланган солиқ тўловларини мунтазам тўлаётганига тааллуқли бир қатор далил-исботларни судга тақдим қилган. Ўз навбатида, ер участкасига оид тасвирий чизма ҳужжатларини тайёрлаган туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри идораси сўралаётган ер майдони сатҳи анча катта экани ва унинг бир қисми Г.Вафоевнинг ихтиёрида қолаётганини тасдиқлаган. Айнан шундай мазмундаги хулоса туман ҳокимлиги қошидаги ишчи комиссияси томонидан ҳам берилган. Лекин негадир атиги 400 квадрат метр саҳнли майдонни талабгорнинг ихтиёрида қолдириш юзасидан хулоса тайёрланиб, туман ҳокимига тақдим этган. Шундан сўнг туман ҳокимининг ана шунча ҳажмдаги ер майдонни Г.Сафоевнинг ихтиёрида қолдириш бўйича қарори қабул қилинган. Бир-бирига қарама-қарши маррада турган бундай ҳолатлар ҳокимлик даргоҳида адолатли ечим топмоғи зарур эди. Таассуфки, бу ҳолат кузатилмади. Дастлабки босқич суди эса, ҳоким қарорини асосли, деб топган ва ҳақиқий ҳолатларни эътибордан соқит этган кўйи атиги 400 кавдрат метр саҳнли майдонни ариза загўйнинг ихтиёрида қолдиришни маъқул топган. Масалага нисбатан бу янглиғ ёндашув, табиийки, эътироз-аппеляция шикоятига сабаб бўлган. Ишни шу тартибда кўрган судлов ҳайъати масалани анча синчиклаб ва батафсил ўрганиб чиқди. Низонинг бир қатор муҳим жиҳатлари дастлабки босқич судининг назаридан четда қолгани шу аснода маълум бўлди. Юртимиз қонунчилиги, хусусан, Ер кодекси масаланинг бу жиҳатига бошқача разм солишни тақозо этади. Унга кўра, жисмоний шахслар ва уларнинг оилалари учун ажратиладиган ер майдонлари саҳни шаҳар ҳудудларида 400, қишлоқ жойларида эса, 600 квадрат метрни ташкил этмоғи зарур. Қолаверса Г.Вафоевга ота мулк саналмиш ушбу ҳудуд зарур коммуникация тармоқлари билан таъминланган, бунинг устига мазкур ҳудудга эгаликни даъво қилувчилар ҳам йўқ, ер учун ҳисобланган солиқ тўловлари ҳам аризагўй томонидан узоқ йиллардан буён мунтазам ва ўз вақтида амалга ошириб келинган. Аппеляция ҳайъати ушбу ҳолатлар, шунингдек, прокуратура органи вакилининг дастлабки босқич суди йўл қўйган хатони бартараф қилиш ва шикоятни ижобий ҳал этишга доир мулоҳазасини инобатга олди. Шу юзасидан чиқарилган ажрим асосида туман маъмурий судининг Г.Вафоевнинг ихтиёрида 400 квадрат метр саҳнли ер майдонини қолдириш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ўзгартирилди. Туман ҳокимлиги зиммасига эса, юқорида қайд этилган қарор матнини ўзгартириш ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан 600 квадрат метр саҳнли ер участкасини талабгорнинг ихтиёрида қолдириш мажбурияти юклатилди.

Бугунги куннинг талаби ўзгача. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, қонуний манфаатлари, бу борадаги ижтимоий адолат, ҳақиқат, холислик ҳар нарсадан устун. Ҳукмингизга ҳавола этилган ҳолатлар қонун ва инсонийликнинг ана шу тамойили юртимизда мудом устувор ва барқарор эканидан далолатдир.

Умрбек ҲАСАНОВ,
Хоразм вилояти маъмурий судининг судьяси,
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Матбуотимиз тарихидан

«Нажот» газетаси ҳақида биласизми?

"Нажот" газетаси 1917 йилнинг 23 мартидан ўша йилнинг июнига қадар фаолият юритиб, Туркистон мусулмонлари марказий шўросининг нашри сифатида дунёга келган.

Мунаввар қори Абдурашидхонов муҳаррир бўлган ушбу газета Абдулла Авлонийнинг ёзишича, чор ҳукумати зулмидан қутилиш учун "Нажот", деб номланган. Газетанинг маслак ва мақсадини ифодаловчи "Хитобнома"-сида "Бизнинг шиоримиз - мусулмонлар бирикингиз. Биз мусулмонлар аксари "демократ", яъни авом аталган халқдан иборатдир... Синфларнинг фарқлари мусулмонлар орасида жуда заиф, бизнинг камолотимиз шундадир. Камчилигимиз ҳам шунда, синфларнинг фарқлари сиёсий ҳаётни жуда кучайтирадир, унинг фазилати шундадир. Лекин ул миллатни бўладир — онинг камчилиги шундадир, биз фазилатимизни орттирайлик, камчилигимизни тугаллатайлик. Яшасин зўр ислом дунёси", дейилган.

Шу ўринда "Нажот"нинг мавжуд сонларини варақлаймиз. Унинг 10-сонида Салоҳиддин Муфтизоданинг "Сукут қилинг! Соҳиби сарватларнинг нидоси" мақоласига раддияси босилган. Мақола муаллифи мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, большевикларни ташаббусни ўз қўлларига олишга чақиради, камбағал қатламларни бойларга қарши қўяди. С.Муфтизода бунинг оқибатини олдиндан кўргани ҳолда давлатманд инсонларга мурожаат қилиб, халқ орасида нотинчлик ва ҳукуматга ишончсизликнинг тарафдори бўлган кучларнинг ғаразли мақсадидан огоҳлантиради. Бозорларни арзонлаштириш, халқнинг энг зарурий муаммоларини зудлик билан ҳал этишга чақиради. "Нажот"нинг 12-сонида С.Муфтизода "Таҳқиқсиз саджоқат" мақоласини "Мен "Турон" жамияти аъзосиман, тараққийпарварман. Тараққийпарварлик дин ва шариат ила қойимдир", деб бошлайди. Шундан сўнг мақсадга ўтиб, газетанинг аввалги сонида ўзини тараққийпарвар, деб таништирган Ҳусайиновнинг "Туркистанский курьер" газетасини тараққийпарварларга хизмат қилган газета сифатида таништиришига қарши чиқади. Аксинча, бу газетанинг Туркистондаги миссионерлик фаолиятига оид мақолаларини мисол келтириб, Ҳусайиновнинг ўзини таназзулпарастликда айблайди.

Ўша даврларда босма нашрлар ўз сўзи, ўрнига эга бўлган мутахассисларнинг мақолаларини чоп этарди. Керак бўлса, ҳақ сўзни айтишдан чўчимайдиган эди. Лекин уларга ҳам босимлар, қаршиликлар, мақолаларга раддиялар берилган. Аммо ўқувчи ўзи учун керакли хулосани чиқариб олишига имконият яратилган.

Мардикорликдан қайтганларнинг бир қисми аллақачон большевиклар таъсирига тушиб қолган эди. Улар ўз хабарлари ва маълумотларида айни шу масалага эътибор қаратади. "Қардошлик ҳисси" номли хабарда Андижондаги "Айнул Ислом" жамияти 5 май куни Еттисувдаги очликни муҳокама қилиб, 4 кишилик комиссия қирғиз қардошлар учун иона йиққани ва 12 май куни "Айнул Ислом" раиси мулло Заҳриддин Аълам 427 сўмни почта орқали муҳтожларга йўллаганини хабар беради. Шунингдек, Мулло Абдураҳмон Абдулқайюм ўғли Хўжандда Ҳожи Ҳомид мулло Қосим ўғлининг бозорга уруғлик чиқариб текинга тарқатгани, Тошкентдаги "Гулистон" жамиятининг мактаб ва мадрасаларда ўқиётган ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамга муҳтож ёшларга кўмакка тайёрлиги ҳақида хабар беради.

Қўқонда Имомназар қори Али Назар ўғлининг Миср, Истанбул, Байрут ва татар нашрларида чиққан янги китобларни олиб келиб, "Замон" номли кутубхона очгани ва 3 май куни Қўқонда "Ҳуррият" номида нашриёт ширкати таъсис этилгани ҳақида ёзилади.

Шокиржон Раҳимийнинг "Ш.Р." имзоси остида ёзган "Ҳуррияттдан нечук фойдаланамиз?" мақоласи "Остроумов бобой миссионер Туркистонни қалин кўрпага ўраб ухлатишда ўзига "қадимчи уламолар"ни дўст этди", деган хулосаси билан аҳамиятли бўлса, ғулжалик Тошмуҳаммад ал Ноамий ўз мақоласида "... ҳеч бир хаёлимизга келмаган ушбу шодлик ва ҳуррият ила жумла диндош ва ватандошларимизни чин кўнглимдан табрик қиламан. Туркистон зиёлиларидан ўтинаманки, ҳар хусусда хизматларини аямай ватанимиз бўлган Туркистон учун ҳар бир фойдалик ишларни ишлашга, шундоғ вақтда ҳар бир минутни зое қилмасдан мумкин қадар тезлик ила ватанимизга энг зарурий бўлган ҳар бир камчиликларимизни тўлдирмоқ ва шул мақсадда ҳуррияттдан фойдаланмоқ йўлларини қидирсалар. Аҳолини ҳуррияттдан огоҳлантириб, ҳуррияттнинг нима эканлигини ва қанча йилдан бери тортиша-тортиша ниҳоятта кўп қон тўкилганидан кейин келиб чиққан бул ҳуррияттнинг қадрини билиб, замонага мувофиқ ишлар қилишга йўлбошчи бўлсалар. Ҳам мумкин қадар хизматларин аямай халқ орасинда бирлик фикрини тарқатиб бирлаштирмак ҳамда шул бирлашув орқасинда ҳар бир диний ва миллий ишларни йўлга солмоқ, мактаб ва мадрасаларимизни эски кўйича қолдирмай, замонага мувофиқ кенг программали қилиб ислоҳ қилмоқ, миллий матбуот хусусида ҳар бир бўлган оғриқларни йўқ қилиб, газета-журналлар нашрига киришмакдир", деган фикрлари билан аҳамиятлидир.

Хуллас, бу газетанинг борйўғи 20 та сонни нашрдан чиққан. 5 та сони анча абгор ҳолда бўлса ҳам, кутубхоналаримизда мавжуд. Келгусида унинг қолган сонларини жамлаб, тадқиқ этишга муяссар бўлармиз.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.
ЎзА

Жиноятга жазо муқаррар

Топталган ғурур

сархуш оила бошлиғини қабиҳликка ундади

◀ **(Бошланиши 3-бетда)**

Негаки, Ўғилой опа қизининг — бўлажак келиннинг сепига кийим-кечак сотиб олиш ниятида эди. Табиийки, тўй олдидан ҳовли-жойни бир карра таъмирлаш, ободонлаштириш ҳам анъанага айланган. Бинобарин, она-бола бозорга кетгач, оила бошлиғи Исмоил Абдураззоқов таъмирлаш ишларига тушиб кетди. Кун пешинга яқинлашганида шахсий "Дамас" автомашинасида Асака автошоҳбекатига бориб, бозордан қайтган хотини ва қизини уйга олиб келди. Сўнгра келини Шарифахон тушлик тайёрлади.

Тушликдан сўнг қайнонакелин ва қизлар одатдаги уй юмушлари билан андармон бўлишди, Исмоил ака эса, эрталаб бошлаган ишларини давом эттирди. Шунингдек, ҳашарга келган укаси Диёрбек Абдураззоқов билан бирга кўмир ташиди. Бироқ қиш куни эмасми, хаш-паш дегунча кеч кириб, қоронғу тушди. Ана шу маҳал юз-қўлини ювиб артинаркан, И.Абдураззоқов иштаҳасини очиш учун ичкари хонада турган ароқдан 200 граммини "отиб олди". Сўнг кечки овқатга ўтирмай туриб, дарвозани қулфлаб қўймоқчи бўлди-ю, аммо калитини тополмади.

— Дарвоза калити қаерда, нега тайинли жойга қўймайсизлар?, — деди Исмоил ака жаҳл аралаш.

— Қаранг, бирон жойга тушгандир. Осмонга учиб кетмаган, — деди хотини писанда қилган қўйи.

Хотинининг бу кесатиғини эшитиб, Исмоил ака баттар асабийлашди, оқибатда эр-хотин бироз ғижиллашиб олишди. Аслида шунақа пайтда аёл киши бир поғона паст тушиб, битта гапдан қолса, нур устига аъло нур бўлади. Лекин Ўғилой опа яна тилига эрк берди.

— Доим шу зормандани ичиб олиб, жанжал қўзғайсан, — деди аёл хўжайинини сенсираб баттар иззатнафсига тегиб.

Қайнонасининг қайнотасига қилган бундай ҳурматсизлигини кўриб, келини Шарифа лабини тишлади. Аммо кошки эди шу билан уларнинг ғиди-бидиси тугаса. Йўқ, аксинча, тортишув яна янги мавзу устида давом этди. Яъни оила бошлиғи қизи Ёдгоранинг тўйини ёз фаслида ўтказишни, унгача кам-кўстларни бартараф этиб, тайёргарлик қилиб боришни таъкидласа, Ўғилой опа "Тўйни баҳорда ўтказамиз", деб туриб олди. Аксига олиб, Ёдгора ҳам онасини ҳимоя қилиб, отасини жеркиб ташлади.

Буни қарангки, айни жанжалдан сўнг орадан кўп вақт ўтмай Исмоил Абдураззоқов спиртли ичимлик таъсирида ухлаб қолди. Бироқ у тун ярмида уйғониб кетдию, қайтиб ухлолмади. Хотининнинг ўжарлиги, калондимоғлиги, боя келининнинг олдида ғурурини топтагани сира хаёлидан нари кетмасди. Унинг асаблари қақшаб, юраги алам ва ғазабга тўлиб борарди. Бир чоғ, сира алами босилавермагач, у хўжалик пичоғини қўлига олди-да, тош қотиб ухлаётган хотининг чап кўкрагига 3 марта, сўнг биқинига 2 марта санчди. У пичоқ санчаётганда, хотинининг оғзини чап қўли билан беркитиб турди. Оқибатда бояқиш аёл тўлғаниб-тўлғаниб жон таслим қилади.

Шундан сўнг кўзи қонга тўлиб, баттар қутуриб кетган эр бояги жанжалда онасининг ёнини олган қизидан ҳам аламини олишни кўзлайди. Шу қабиҳ ниятда у нариги хонада келинойиси билан ётган Ёдгорани чақирди.

— Онанг жуда чарчабди, шекилли, уйғотмадим. Сен жавондан ювилган кийимларни олиб бергин, — деди у, Ёдгора бирон-бир ёмонликни хаёлига келтирмай уйқусираган кўйи жавонни титкилаётганда эса, эсҳушини йўқотган ота унинг ортидан бориб, устма-уст пичоқ санчади. Аниқроқ айтганда, қотил ота 18 марта пичоқ санчиб, Ёдгорани тириклик неъматидан маҳрум қилди. Сўнг иккала мурданинг устига кўрпа ташлаб қўйди-да, Россия Федерацияда ишлаётган ўғлига қўнғироқ қилди.

— Онангни ўлдириб қўйдим, тезда етиб кел!, — дедию, бирдан телефонни ўчирди. Келини ҳам уйқудан уйғониб, Ёдгорани сўраганди, онаси билан бирга ухлаётганини айтиб, тинчлантирди. Аммо орадан бир соат ўтар-ўтмас укаси Қудратилло ҳовлиққан кўйи кириб келди.

— Тинчликми, янгамга нима бўлди? Тўлқинжон Россиядан телефон қилди, — деб сўради.

— Тинчлик, ҳеч гап бўлгани йўқ. Сен уйингга боравер!

И.Абдураззоқов шундай дея укасини ортига қайтариб юборди. Кейин унинг ўзи туман ИИБга бориб, қотилликка қўл урганига иқрор бўлди. Пировардида унга нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "а", "в", "ж"-бандлари (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда икки ёки ундан ортиқ, ожиз аҳволдаги шахсни ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдириш) билан жиноят иши қўзғатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тергов жараёнида стационар тартибда суд-психиатрия экспертизаси ўтказилди. Унга кўра, И.Абдураззоқов жиноят содир этган вақтда ақли расо бўлгани, тиббий йўсиндаги даволанишга муҳтож эмаслиги аниқланди.

Суд мажлисида кўрсатма берган судланувчининг катта қизи Гулсора Абдураззоқова, келини Шарифа Абдураззоқова ва қайнағаси Собитали Ҳожиматов оиладаги ҳаёт рисоладагидек кечгани, қўни-қўшни, қариндош-уруғ ва ён-атрофдагилар илгари бу хонадонда жанжалга гувоҳ бўлмаганини тасдиқлашди.

Жиноят кодексининг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши, 54-моддасида эса, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд этилган. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди Исмоил Абдураззоқовни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Албатта, бу мудҳиш қотиллик ҳақида фикр юритганда, қўнгилда турли хил фикр-мулоҳазалар пайдо бўлади. Бу ўта оғир жиноят нега содир бўлди? Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади?

Бу саволларга дафъатан аниқ жавоб топиш мушкул. Аммо шуниси аниқки, оилада эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат ва аҳилликнинг йўқолгани, аёлнинг оилада ўз ўрнини билмаслиги, эрнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиши бу мудҳиш воқеанинг келиб чиқишига сабаб бўлмаганми?

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

Адҳамжон МИРЗАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди раисининг ўринбосари
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Сирғали туманида яшовчи Наима Остонова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2019 йил 1 декабрь куни эрталаб ишга кетаётганида фирибгарга дуч келишини ва бу воқеа бошига жиддий ташвиш келтиришини қаёқдан билибди, дейсиз? Афсуски, шундай бўлди.

Жиноят ва жазо

Соддадиллик

фирибгарликка йўл очди

Буни қарангки, ўша куни эрталаб Шаҳрисабз туманида яшовчи, 21 ёшли Мастура Дўлтаева воҳадан пойтахтга етиб келганди. Соат эрталаб 08:00 ларда у Сирғалидаги халқ тилида "Ярмарка бозори" деб аталадиган бозор ёнидаги автобекатда Наима опа билан тасодифан учрашиб қолди. Мастура диққат билан разм солиб, англадики, Н.Остонова соддагина аёл экан. Шу боис, ўйлаб ўтирмай аста аёлни аврашга тушди.

— Исмим Гулбаҳор, ўзим Бухороданман. Қариндошимникига меҳмонга келяпман, —дея у гап бошлади. — Мен ҳожатманд аёлларга, беморларга дуо ўқийман. Кўзингиз айтиб турибди, кўнглингиз ғаш. Чунки кимдир иситма-совутма қилиб, уйингизга ташлаб кетган. Қолаверса, болаларингизнинг йўлини, бахтини боғлаб қўйган. Хоҳласангиз, буни улардан аритишда сизга ёрдам бераман.

У шундай ваҳима ва устомонлик билан гапирдики, оқибатда Наима Остонова бунга лаққа тушиб, ишонганидан қаттиқ қўрқиб кетди. Шунинг учун М.Дўлтаевадан эртаси куни келиб, уйида дуо ўқиб, бало-қазони даф қилиб беришини сўради. Хайрлашаётганда эса, унга телефон рақамини ҳам ёзиб берди.

Ишонувчанликни қарангки, ўша кеча Н.Остонова туни билан мижжа қоқмай, хаёлан минг бир кўчага кириб чиқди. Бинобарин, эртасига эрталаб "Ярмарка бозори" бекатида Мастурани ўзи кутиб олди. Сўнг уни катта умид билан хонадонига бошлаб келди.

Албатта, меҳмон дуогўйлик ва фолбинлик усуллари ҳамда хатти-ҳаракатларини яхшигина ўзлаштирганди. Шунга амал қилган ҳолда, аввалига хоналарни бирма-бир айланиб чиқди. Кейин ошхонада турган гул тувакни кўрсатиб, ичида дуо ўқилган буюмлар борлигини айтди.

— Ҳозир бунинг дуоларини ўқиб, қайтарма қиламан. Гулингизни бу ерга олиб келинг, — деди у меҳмонхонага кираркан. Бироз пичирлаб, нималарнидир ўқиган бўлади.

— Бир косада сув келтиринг, — дея чалғитиш учун хонадон соҳибасини ташқарига чиқариб юборади. Наима опа сув келтиргунча эса, гулни тувагидан ажратиб, тувак ичига ўзи билан бирга олиб келган турли арабий ёзувлар битилган қоғоз, соч толалари, латта бўлаги, типратикан тиканлари ва занглаган қулфни солиб қўйди.

— Кўряпсизми, қанча нарсага ўқитишган, ярамаслар. Ёнатрофингиздаги таниган-билган кишиларингизнинг иши бу, — деди соддадил аёлни янада ишонтириш мақсадида. — Шунинг учун пул ва тиллаларингиз бўлса, олиб чиқинг, уларга ҳам дам солиб бераман.

Шундан сўнг Наима Остонова ичкари хонадан 1500 АҚШ доллари ва онасидан мерос бўлиб қолган бир неча турдаги тилла тақинчоқларни олиб чиқди. Унгача эса, М.Дўлтаева ўзидаги калит билан занглаган қулфни очиб қўйди. Устаси фаранглики кўрингки, қулфнинг очилишини ҳам у ўқиган дуолари самараси сифатида тушунтирди. Шу тариқа хорижий валюта ва тилла буюмларни бир матога тугиб, уларга қарата ҳам дуоларни ўқий бошлайди. Чамаси, ярим соатдан сўнг эса, тугунни мезбоннинг қўлига тутқазди.

— Буни ичкарига киритиб қўйинг. Уч соатдан кейин очиб кўрасиз, ҳамма мушкулингиз даф бўлади, — деб уқтирди у. Кейин эса, у шоша-пиша хайрлашганча уйдан чиқиб кетди.

Дарҳақиқат, Мастура Дўлтаеванинг сўнгги ҳаракати бежиз эмасди. Негаки, бу маккора Н.Остоновани чалғитиб, тахланган доллар ва тилла тақинчоқларни яширди олиб кетганди. Бояқиш Мастура опа эса, буни, яъни алданганини қачонки Наимани кузатиб келгач, орадан 3-4 соат ўтиб, тугунни ечиб кўргандагина билди. Бинобарин, мазкур ҳолат юзасидан Сирғали туман ИИБга мурожаат қилди. Пировардида М.Дўлтаевага нисбатан дарҳол қидирув эълон қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қидирув жараёнида фирибгарнинг яна бир устомонлиги аён бўлди. Яъни Мастура хайрлашиш аввалида танишига қўнғироқ қилиб олиш баҳонасида Н.Остонованинг телефонидан ўзининг телефон рақамини ўчиришни эсидан чиқармаган экан. Қолаверса, ўша атрофга ўрнатилган барча кузатув камералари рўпарасидан тескари қараб ёки юзини беркитиб ўтиб кетган. Кейин қўлга киритган тилла тақинчоқларни Чорсу бозорида бир нотаниш шахсга 1.320.000 сўмга сотиб юборган экан. Бироқ тажрибали жиноят қидирув бўлими ходимлари уяли алоқа компанияси томонидан тақдим этилган маълумот билан Наима опанинг рақамидаги кириш-чиқиш қўнғироқларини солиштиришганда сир ошкор бўлди. Натижада айбдор жабрланувчининг 1500 АҚШ доллари ва 1300 АҚШ долларилик тилла тақинчоқлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотига кўра, 2019 йил 2 декабрь куни 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 9494,68 сўмни ташкил қилган) жами 2800 АҚШ доллари — 26.585.104 сўмлик мулкини фирибгарлик билан қўлга киритгани аниқланди. Шу боис унга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "а"-банди билан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди эса, М.Дўлтаевани қонуний жазога маҳкум этди. Шунингдек, тергов жараёнида унинг турмуш ўртоғи томонидан етказилган зарарни қоплаш учун ИИБ депозит ҳисоб рақамига топширилган 3000 АҚШ доллари жабрланувчи фойдасига ундирилди.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Жиноят иши ҳужжатларидан аён бўлишича, Наима Остонованинг соддадиллиги ва ўта ишонувчанлиги судланувчининг фирибгарлигига йўл очиб берган. Шундай экан, ушбу жиноят иши мисолида ҳамюртларимизни фирибгарларнинг ҳийла-найрангларидан огоҳ этиб қолардик.

Баҳодир ЮСУПОВ,
жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ, **Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**, **Икрам МУСЛИМОВ**, **Замира ЭСОНОВА**, **Холмўмин ЁДГОРОВ**, **Олим ҲАЙИТОВ**, **Бахтиёр ИСАКОВ**, **Азиз МИРЗАЕВ**, **Светлана АРТИКОВА**, **Бобомурод РАЙИМОВ**

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-623. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 8238
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22^{00}. Топширилди: 23^{50}.